



PEDAGOGIKANING DOLZARB MUAMMO VA YECHIMLARI

**Respublika ilmiy-amaliy
anjumani materiallari
(2021 yil 17 may)**

2021-yil

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**Abdulla Qodiriy nomidagi
JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI**

PEDAGOGIKANING DOLZARB MUAMMO VA YECHIMLARI

**Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari
(2021 yil 17 may)**

Jizzax – 2021

UDK: 37.06(05)

BBK: 74.00

E-59

“Pedagogikaning dolzarb muammo va yechimlari” Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari to`plami

(Jizzax, 2021 yil 17-may, O`zbekiston). - Jizzax. 2021. – 516 b.

MAS`UL MUHARRIR:

Sh.S.Sharipov – pedagogika fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY`ATI:

Kushvaktov N.X. – pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

Qodirov G‘. – biologiya fanlari nomzodi, dotsent

To`raqulova I.X.- pedagogika fanlari nomzodi

Atamurodova R.Q. – pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

Jumanazarova D.U.- pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

Hamzayev H.X.- pedagogika fanlari bo`yicha falsafa doktori, (PhD)

Primov Sh.Q.- pedagogika fanlari bo`yicha falsafa doktori, (PhD)

TAQRIZCHILAR:

X.A.To`raqulov – Pedagogik ta`lim xalqaro fanlar akademiyasi akademigi, ANTIQUE WORLD xalqaro ilmiy akademiyasi akademigi, “Turon” fanlar akademiyasi akademigi, A.G.Nebolsin nomidagi xalqaro mukofot lauriyati, texnika fanlari doktori, professor, Xalq maorifi a`lochisi.

A.Nurmanov – pedagogika fanlari doktori, professor.

To`plam muharrirlari: M.R. Isaqulov, G.M. Almuratova, O.A. G`aniyev, T. Ergashev

Ushbu to`plam Jizzax davlat pedagogika institutida O`zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021-yil 2-martdagi № 78-F sonli Farmoyishiga asosan joriy yilning 17 may kuni Jizzax davlat pedagogika instituti Umumiy pedagogika kafedrasida “Pedagogikaning dolzarb muammo va yechimlari” mavzusida Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallaridan iborat.

To`plamdan joy olgan tezislarda keltirilgan ma`lumotlarning to`g`riligiga mualliflar javobgardirlar

самарали йўлга қўйиш лозим. Бунда нафақат профессор-ўқитувчилар ва талабалар, балки уларнинг ота-оналари ҳам иштирок этишлари керак, яъни, улар электрон журнал баҳоларини, берилган уйга вазифаларини, тестларни ва қайта алоқа шаклидаги ҳар бир талабанинг умумий статистикасини кўриб боради, шунингдек, хабарлардан фойдаланиб профессор-ўқитувчилар билан ёзишмалар олиб боради ва фойдаланувчининг электрон маданиятини шакллантиради.

Рақамли технологиялардан фойдаланиш ва масофавий таълимнинг янги авлод тизимларини ва электрон журналлар фаолиятини самарали йўлга қўйилишига олиб келди. Бунда нафақат профессор-ўқитувчилар ва талабалар, балки уларнинг ота-оналари ҳам иштирок этиши, яъни улар электрон журнал баҳоларини, уйга берилган вазифаларни, тестларни ва қайта алоқа шаклидаги ҳар бир талабанинг умумий статистикасини кўриб бориш, шунингдек, хабарлардан фойдаланиб, профессор-ўқитувчилар билан ёзишмалар олиб бориш, энг асосийси, эса, фойдаланувчининг электрон маданиятини шакллантириш имконини беради.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган рақамли иқтисодиёт шароитида, иқтисодиётнинг барча соҳаларига, жумладан, таълим соҳасига педагогик ва рақамли технологияларни қўллаш орқали масофавий таълимни жорий этиш, нафақат ортикча сарф-харажатларни камайтиришга, балки замонавий дунёқарашга ва билимга эга, мустақил фикрлайдиган, Ўзбекистон Республикасини келгусида юқори марраларга кўтаришга хисса қўшадиган етук кадрларни шакллантиришга кўмаклашади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегияси** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. ПФ-4947-сонли 2017 йил 7 февраль.
2. Мусурмонова А. Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт – бош масала. Халқ таълими илмий-методик журнали.- Т.: 1-сон, 2020, 6-10 бетлар.
3. Омонов Ҳ.Т. Хаттабоев М.Б. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. - Т.: Молия, 2016. -393 б.
4. Худойқулов Х.Ж., Кенжабоев А.Э., Нурмухамедов Т.Р. Педагогик маҳорат асослари. – Т.: Наврўз, 2012. -226 б.
5. Hakimova M.F., Musaxanova G.M. Kasbiy pedagogika. Darslik -Т.: IQTISODIYOT, 2019.
6. Hakimova M.F. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat. -Т.: IQTISODIYOT, 2019.

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВОСИТАЛАРИДАН ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИДА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Очилова Гулноза Одилевна
пс.ф.ф.д.PhD, доцент, ТДИУ

Замонавий ахборот технологияларининг таълимни интенсивлаштириш ва оптималлаштириш имкониятлари таълим жараёнларини ташкил этишда муҳим аҳамият

касб этади. Шунинг учун мутахассис кадрлар тайёрлашдан асосий мақсад уларда замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдаланиб билим, кўникма ва малакаларини ҳамда педагогик маҳоратларини шакллантиришдир. Бугунги кунда педагогик таълим самарадорлигини ошириш билан бевосита алоқадор бўлган бир қатор, ҳозиргача ечими топилмаган муаммолар мавжуд. Бу муаммолар таълим соҳасини ахборотлаштириш, замонавий ахборот технологиялари соҳасида педагог кадрлар тайёрлаш, педагогларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялардан фойдаланиш малакасининг етарли эмаслиги билан боғлиқ. Бу муаммоларнинг муҳим қирраларидан бири сифатида ўқитувчиларнинг ўзларида таълимни замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозлашга бўлган муносабатларини кўрсатиш мумкин. Шу нарсани таъкидлаш жоизки, ахборотлаштириш шароитида ўқитувчининг педагогик маҳорати ҳозирги замон талаблари даражасида янада ошади.

Ҳозирги кунда барча таълим муассасалари замонавий компьютер ва телекоммуникация технологиялари асосида жиҳозланмоқда. Бу, ўз навбатида, педагогларнинг ўз меҳнат фаолиятларига янгича ёндашувларини талаб этади. Ўқув жараёнида янги технологияларни жорий этилиши, ўқитувчини техник воситалар томонидан малакаларини шакллантиришнигина эмас, балки унинг вазифалари, ролини ўзгартиради, ўқитувчилик фаолиятини янада серқирра касбга айлантиради.

Компьютер ва замонавий ахборот технологияларининг жадал суръатда ривожланиши эндиликда ҳозирги замон ўқитувчисининг педагогик маҳорати нақадар серқирра бўлиши лозимлигини талаб қилинади. Ҳозирги кунда замонавий ўқитувчидан:

- ўқув курслари дизайнери – ўқув курсларининг яратувчиси;
- фасилитейтор – ўқитиш методлари бўйича маслаҳатчи;
- тьютор–ўқув курсларини интерфаол тақдим этиш бўйича мутахассис;
- инвигилатор
- таълим натижаларини назорат қилиш усуллари бўйича мутахассис бўлишни талаб этмоқда.

Замонавий технологиялар, масофавий олий педагогик таълимни янгича ташкил қилинишига замин яратади. Бундай таълимда ўқитувчилар, компьютер дастурчилари ва мутахассислари ёрдамида ўқитувчиларнинг янгича малака ошириш курсларини ташкил этиш талаб қилинади. Аслида масофавий ўқитиш курсларини яратишда дастлаб: мақсадга эришиш йўллари; ўқув материалларини тақдим этиш усуллари; ўқитиш методлари; ўқув топшириқларининг турлари; муҳокамалар учун саволлар; мунозара ва баҳсларни ташкил этиш йўллари; ўзаро алоқа усуллари ва коммуникация сингари омилларни аниқлаш лозим. Дастлаб бўлажак мутахассислар бошланғич тайёргарлик даражасида қуйидаги талабларни ўзлаштирадilar:

1. матн муҳаррирининг асосий объектлари ва улар устида бажарилиши мумкин бўлган амалларни билиши; матнни таҳрирлаш ва форматлаш учун матн муҳарририни қўллай олиши; график ахборотларни тақдим этишнинг вектор усулларини ўринли қўллай олиши;

2. график муҳаррирнинг асосий объектлари ва улар устида бажарилиши мумкин бўлган амалларни билиши; тасвирни яратиш ва таҳрирлаш учун график муҳаррирни қўллай олиши; электрон жадвалларнинг имконият ва вазифаларини тушунган ҳолда ишлата олиши; диаграммалар яратишни билиши; электрон жадвалларни масалалар ечишда қўллаши;

3. маълумотлар базасининг имконияти ва вазифаларини тавсифлаши; маълумотлар базасининг турларини тавсифлаши; маълумотлар базасининг асосий объектлари ва улар устида бажарилиши мумкин бўлган амалларни билиши; оддий маълумотлар базасини ярата олиши; ёзувларни саралаш ва қидиришни амалга ошириши.

Бунда бўлажак мутахассислар ўз педагогик маҳоратларини қуйидаги модуллар мазмунини ўзлаштирган ҳолда бойитиб борадилар:

1. Таълимда ахборот ва коммуникация технологиялари. Ахборот-коммуникация технологиялари воситалари, уларни таълим жараёнида қўллаш имкониятлари, шахснинг таълим-тарбияси ва ривожланишида замонавий ахборот технологиялари ва педагогик дастурий воситалар, ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларини яратиш, уларни ўқув-тарбия жараёнида қўллашнинг дидактик асослари, ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва фойдаланишдаги педагогик-эргономик талаблар ва уларнинг сифатини баҳолаш, ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва таълим муассасалари ташкилий-бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари, электрон-ўқув материаллари базасининг тузилмаси ва таркиби, таълимий интернет ресурслар ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш, электрон ўқув-методик материаллар мажмуаси, унинг тузилмаси ва таркиби, ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларидан таълимий мақсадларда самарали ва қулай фойдаланишнинг педагогик-эргономик шарт шароитлари, информатика ва ахборот технологиялари хонасига қўйиладиган талаблар ва унда таълим жараёнини ташкил этишнинг методик жиҳатлари, ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларидан таълим жараёнида фойдаланишнинг истиқболли йуналишлари ва келажаги.

2. Педагогик дастурий воситалар. Асосий тушунчалар: педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи, намойиш этувчи дастурлар, назорат қилувчи дастурлар, ўргатувчи дастурлар, дастурий воситаларнинг дидактик имкониятлари, эксперт-ўргатувчи тизимлар, автоматлаштирилган ўргатувчи тизимлар, фойдаланувчи ва педагогик-дастурий воситаларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш методлари. Педагогик-дастурий воситалар яратиш тамойиллари: талабаларнинг психофизиологик хусусиятларини ва компьютернинг техник имкониятларини ҳисобга олиш, ўқитиш стратегиясининг устуворлиги; педагогик, психологик ва функционал тўлалик, мотивацияли фаоллаштиришнинг таъминланганлиги, қўллашдаги универсаллик ва модул тузилишга эгалик. Педагогик-дастурий воситалар сценариясини яратиш технологияси: фойдаланиш мақсадини аниқлаш, ўқув материалларини таҳлил қилиш ва танлаш, уни структуралаш ва формаллаштириш, педагогик сценарийни тақдим этиш. Педагогик-дастурий воситалар асосида ўқув фаолиятини бошқариш. Дастурлаш тилларида педагогик-дастурий воситалар яратиш технологияси. Педагогик-дастурий воситаларни яратишнинг техник воситалари. “Лектор” тизими ва ундан педагогик-дастурий воситаларни яратишда фойдаланиш. Педагогик-дастурий воситалар бўйича практикум.

3. Электрон ўқув материалларини яратиш технологиялари. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари: электрон дарслик, электрон ўқув қўлланмаси, электрон маълумотнома, электрон мажмуа, электрон каталог ва бошқалар. Электрон ўқув материалларини яратиш бошқичлари ва технологияси; электрон ўқув

материалларини яратиш принциплари; Ўқув материалларига овоз бериш технологияси ва унинг воситалари.

4. Ўқитишнинг замонавий техник воситалари. Аудиовизуал ахборот: манбалари, ўзгартирувчилар, ташувчилари. Аудиовизуал маданият: тарихи, концепциялари, тузилмаси, фаолият кўрсатиши. Инсон томонидан аудиовизуал ахборотни қабул қилишнинг психофизиологик асослари. Ўқитишнинг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар, уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишнинг интерактив технологиялари.

Демак, ўқув жараёнларини ташкил этишда педагоглар замонавий ахборот технологияларини таълим ва тарбия жараёнида қўллай олиш бўйича педагогик маҳоратларини оширадилар, билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар. Ўқитувчи кадрлар педагогик маҳоратларини ошириш мақсадидан келиб чиқилган ҳолда талабаларда замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан фойдалана олиш билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган. Шунингдек, таълим жараёнининг мақсади – талабаларда замонавий ахборот технологиялари, касбий фаолият ва ахборот жамияти учун зарур бўлган техник воситалар ва дастурий таъминот борасидаги билим, кўникма ва малакалар шакллантирилади, замонавий ахборот технологияларини таълим жараёнида, шунингдек, касбий фаолиятларида ҳар қандай муаммоларни ечишда қўллашни ўрганадилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Nayitov O. E., Ochilova G. O. Business Psychology. – 2010.
2. Ochilova G. Ёшларни тадбиркорликка психологик жиҳатдан тайёрлаш //Архив научных исследований. – 2021.
3. Очилова, Г. О., & Мусаханова, Г. М. (2017). Педагогика как наука на пути новых исследовательских задач, переосмыслений и перспектив. *Молодой ученый*, (7), 458-460.
4. Adilovna, O. G., & Khayitovich, B. E. GENDER FEATURES OF THE IMPACT OF FAMILY BUSINESS ON YOUTH ENTREPRENEURSHIP MOTIVATION.
5. Ochilova, G. O. EMPIRICAL RESEARCH RESULTS OF FAMILY BUSINESS INFLUENCE ON CHILDREN'S MOTIVATION FOR ENTREPRENEURSHIP.

ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШДА ИТЕЛЛЕКТУАЛ ВА ИЖОДИЙ СИФАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙУЛЛАРИ

ЖДПИ катта ўқитувчиси-М.Шеранова

Аввало, шахсни шакллантиришда унга берилаётган таълим-тарбиянинг мазмуни, моҳияти, таълим-тарбия усуллари ва воситалари тарбияланувчининг ёш хусусиятларига мос бўлиши муҳим. Ўқитувчи таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларнинг рухий хусусиятлари билан бирга ёш хусусиятларини ҳамда уларнинг диккат, хотира, тафаккур, кизиқишларини ҳисобга олган ҳолда фаолиятни ташкил этиши лозим. Шахснинг аклий ва жисмоний камолотида доимо олдинга қараб ривожланиш рўй

беради. Боланинг жисмоний ва рухий камолоти қарор топиб борар экан, бир қанча босқичларни босиб ўтади.

Таълим ва тарбияда катталар билан болалар ўртасидаги муомила фаол жараён дир. Бу жараёнда катталар фақатгина ўргатувчи бўлиб қолмасдан, боланинг бу жараёндаги фаол иштирокини таъминлашга, шахсий намунага ҳам алоҳида аҳамият бериш керак. Ота-она ёки уқитувчи шашқолок, уз хатти-харакатининг оқибатини чуқур мулоҳаза қилмасдан қарор қабул қилувчи, жаҳли тез бўлса, бу ҳолат албатта боланинг ҳулқ-атвориға, унда шаклланиб келаётган ахлоқий сифатларға уз таъсирини утқазмай қолмайди. Шунинг учун болага намуна бўлувчи ота-она, уқитувчи ўз ҳаракатларини тугри йуналтириши, уз-узини назорат қилган ҳолда, ҳар бир фаолиятини таҳлил қилишға одатланиши лозим. Катталардаги босқичлик, вазминлик, сермулоҳазалилик болага ҳам уз таъсирини утқазади. Бу эса боланинг уз хатти-харакатлари устидан назорат урнатишиға, қилган ишларини яхши-ёмон, тугри-нотугри деб таҳлил қилишға, уз-узини баҳолашға ургатади. Бу ҳолат болада ҳар бир қилган ҳаракатлари учун жавобгарлик, маъсулиятлилик ҳиссининг тарбияланиб боришиға олиб келади. Бола мустақил фикрлашға урганади, ўйлаб иш тутади, унинг онги ўса бошлайди.

Тарбиянинг муваффақияти кўп жихатдан бола шахсининг ўзига ҳос ҳусусиятларига, у яшаётган муҳитға боғлиқ. Шунини ёдда тутиш керакки, бола ҳаётининг мазмунини унинг ривожланишиға таъсир этувчи қишилар ва улар билан ўрнатилган алоқа муҳияти белгилайди. Бола оила аъзолари, тарбиячи, ўқитувчи, ўртоқлари, оилаға яқин қишилар билан муносабатда бўлади. Ушбу алоқалар боланинг ривожланишида гоят муҳим роль ўйнайди. Бола уларнинг таъсири орқали муомалада бўлади. Ана шу муомала асосида бола аждодлар тажрибасини ўзлаштиради, ўзи учун андоза танлайди.

Шахс жисмоний ва психологик жихатдан қамол топиши жараёнида маълум “ёш даврлари” босиб ўтади.

Кичик ёшдаги боланинг тафаккури – аниқ тафаккур бўлиб, у нималарни идрок этса ёки тасаввур қилса, ўша нарсалар ҳақида фикр юритади. Бу даврда бола ҳаётида ўйин билан бирға фаолиятнинг бошқа турлари ҳам аҳамиятли бўлиб боради, дастлабки меҳнат кўникмалари ҳосила бўлади: расм қизади, лойдан, қумдан турли буюмлар ясайди. Шунингдек, улар катталар томонидан берилган оддий топшириқларни бажариб борадилар. Уларни қучлари етадиган ишларға жалб қилиш яхши самара беради.

Кичик ёшдаги ўқувчиларида ихтиёрий диққат, хотира ва идрок, тафаккур, ихтиёрни идора қилиш, нутқ, ҳис-туйғу, ирода қаби рухий жараёнлар ривожланади. Бу ёшдаги ўқувчиларининг фикрлаши образли бўлади. Шу боис уларға киноя, қесатиш самара бермайди. Ўқитиш кўрғазмалари қуроллар, воситалар ёрдамида ташқил этилишса, уларға қупрок турли мавзудаги эртақ ва ҳикоялар уқиб бериш керак. Материални тушунтиришда унинг образли, ифодавий бўлишиға эришиш лозим. Бу ҳолат уларда қиройли сузлашға, фикрлашға, таҳлил қилишға, ҳулоса қикариш қаби ҳислатларнинг тарқиб топишиға олиб келади. Бу ёшларни ҳар томонлама интеллектуал ривожлантиришда муҳим аҳамиятға эға. Болага қупрок мустақил топшириқлар бериш уларда иждоий фаолиятнинг ривожланишиға, зуққолигининг ортишиға сабаб бўлади. Жамоат ишларига ўқувчиларнинг жалб этилиши уларда ижтимоий фаоллик, ташаббусқорлик қаби фазилатларни тарқиб топтиради. Уларда бурч ҳисси, маъсулият туйғуси ўсади, мақсадға интилиш, ўзи учун идеал танлаш истаги вуҷудға келади, ахлоқий эътиқод, қараш қаби сифатлар тарқиб топади. Бола ҳаётида ҳаёл алоҳида роль

III SHO'BA. ZAMONAVIY TA'LIM – TARBIYA JARAYONLARIDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNING ROLI

1	<i>Тўрақулов Х.А.Бултаков С.Х</i> Цивилизацион педагогик тизимларни шакллантириш босқичлари.	231
2	<i>Ҳакимова М.Ф.</i> Олий таълимга инновацион таълим ва рақамли технологияларни қўллаш зарурияти.	234
3	<i>Очилова Г.</i> Ахборот коммуникация технологиялари воситаларидан таълим жараёнларида фойдаланишнинг имкониялари.....	236
4	<i>Шеранова М.</i> Шахсни тарбиялашда интеллектуал ва ижодий сифатларни ривожлантириш йўллари.	239
5	<i>Тўрақулов У.Х. Турсунхўжаева З.</i> Дарс машғулотларини олиб боришнинг алгоритмик босқичлари.	242
6	<i>Бекназарова О.М</i> Жаҳон миқёсида ва Ўзбекистон Республикасида Инклюзив таълим тизимининг эътироф этилиши.....	244
7	<i>Шакарбоева Ш.</i> Ўз устида ишлаш фаолиятининг психологик тадқиқотлардаги талқини.	247
8	<i>Абдурашулова Д.</i> Замонавий педагогик технологиялар дарсинг самарали ва сифатли бўлашида “CASE-STUDY “ усуллариининг ўрни.....	251
9	<i>Тангилова Д., Кўчқорова Ф.</i> Дудукланишнинг келиб чиқиши сабаблари ва уни машқлар асосида коррекциялаш йўллари.....	253
10	<i>Эгамназаров М., Лутфуллаева Ж.</i> Шахсга йўналтирилган таълим технологияларини табиқ этиш орқали талабаларда коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш тамойиллари ва механизмлари.....	256
11	<i>Темирова Г. Неъматова Г.</i> Турли нутқ бузилишларини коррекциялашда массаж технологиясидан фойдаланиш.....	258
12	<i>Музаффарова Х.Р.Лапасова</i> Таълим –тарбия жараёнида инновацион усуллардан фойдаланишда ўқитувчининг маҳорати.....	260
13	<i>Махамматова А., Абдурахмонова М.</i> Талабаларда мусикий қобилиятларни ривожлантиришга йўналтирилган компьютер дастурларидан фойдаланиш.....	263
14	<i>Мавлонова С.</i> Бўлажак тарбиячиларнинг касбий компотентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари.	266
15	<i>Қодирова М., Мардонова Д,</i> 6-7 ёшли болалар гидрокини ўйин технологияси асосида ривожлантириш.	268
16	<i>Жалолова Ю,Ўқувчи</i> ёшларда илмий дунёқарашни шакллантиришда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш.....	270
17	<i>Абдурашулов Д, Турсунов Қ,</i> Спортчи шахсининг психик жараёнини ўрганиш методлари.....	273
18	<i>Акбарова С.Ш,</i> Замонавий таълим –тарбия жараёнида педагогнинг криатив компетенцияларини шакллантириш зарурияти.....	276
19	<i>Алибеков Д.</i> Инновацион ёндашув ва модернизациясига асосланган таълим стратегиясининг асослари.	278
20	<i>Алимова Қ., Назаров Т., Эрматов Д.</i> Талаба ёшларни илм фанга қизиқтириш йўл- йўриқлари.....	281
21	<i>Атамуродова Р., Исмоилова Н.</i> Адабий таълимга илмий методик ҳамда технологик ёндашув тамойиллари.	283

PEDAGOGIKANING DOLZARB MUAMMO VA YECHIMLARI

Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari

Мухаррир: Т.Эргашев
Мусахҳиҳ: Ж.Муртозаев
Саҳифаловчи: С.Нормухаммедов

Гувоҳнома № 14-0003, 30.04.2020
Офсет қоғози. Босишга рухсат этилди 12.05.2021.
Формат А4. Гарнитура «Times New Roman».
Шартли босма табоқ 31,5
Адади 100 нусха. Буюртма № 09

ЖДПИ тахририй-нашриёт бўлимида чоп этилди.
130100, Ш.Рашидов шох кўчаси, 4-уй
Тел./факс: (+99872) 226-02-93
(+99899) 525-67-99

